

Қирғизистон Республикасининг Ўш худудидаги кекса ёшдаги
кишиларнинг конфликтдан сўнги заиф ва муҳтожлик ҳолатини
ўрганиш бўйича тадқиқот ҳисоботи



Резюме

Ушбу ҳисоботда ХелпЭйдж Интернэшнл халқаро нодавлат ташкилоти томонидан кекса ёшдаги заиф ва ёрдамга муҳтож кишиларнинг конфликтдан сўнгги муҳитдаги ижтимоий ҳолатига ва талабларига баҳо бериш мақсадида уюштирилган тадқиқот натиъжалари ҳақида сўз қилинади. Тадқиқот Қирғизистоннинг Ўш ҳудудида 2010 йилнинг июнь ойида мамлакат жанубида бўлиб ўтган қонли фожиалардан сўнг ўтказилди. Тадқиқот Луч Лотоса маҳаллий нодавлат ташкилоти томонидан ўтказилди ва унинг натиъжаларига ХелпЭйдж Интернэшнл халқаро нодавлат ташкилоти ходимлари томонидан баҳо берилди. Ўтказилган тадқиқот ва унинг натиъжалари тўғрисидаги ушбу ҳисоботнинг мақсади бугунги кунда Ўш ҳудудидаги ёши улугъ ёрдамга муҳтож кишиларга хос бўлган муаммоларнинг табиъатини ўрганиш билан уларга ёрдам кўрсатиш ишидаги ХелпЭйдж Интернэшнл ташкилотининг фавқулудда ҳолатлар бўйича гуруҳи ва шунинг билан бирга ҳудудда фаолият юритаётган бошқа халқаро ташкилотларнинг саъй ҳаракатларини жонлантириш мақсад қилиб белгиланди. Ўтказилган тадқиқот натиъжалари кўплаган муаммоларнинг, эмоционал, ижтимоий ва таъминот ҳолатига оид масалаларнинг мавжудлигини кўрсатди. Аслида, Ўш ҳудудида истиқомат қилаётган ёши улугъ кишилар дуч келаётган энг асосийси муаммо бу уларнинг ҳозирги иқтисодий аҳволи. Тадқиқотга кўра, аҳоли бошдан кечираётган иқтисодий қийинчиликлар етарли даражада кўп ва бу ҳолат энг заиф ва ёрдамга ўта муҳтож кишиларнинг анчагина катта қисмига уларнинг ўз ўзи ва оила аъзоларини озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлаш имкониятига терс таъсир кўрсатади. Тадқиқот доирасида маълум қилинган муаммо ва масалаларнинг кўлами анча кенг; бу эса ўз навбатида келажакка бўлган прогноз ва энг асосий масала ҳам шунда. Олдинда киш ҳам яқинлашиб келмоқда ва тадқиқотдан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ҳудуддаги заиф ва ёрдамга муҳтож аҳолининг кўпчилик қисми кишнинг қирчиллама совуғига ҳеч қандай бир бошпанасиз, етарли кийим-кечаксиз ёки тиббий дори дармонсиз ва, энг аянчлиси, ҳеч қандай маблағсиз қуруқ чўнтак, егулик ҳеч вақоси йўқ бўм-бўш шкаф ва ошқозон билан дуч келишидир.

Ҳисобот Дэвид МакДональд томонидан тайёрланган.

Мукова ва жилддаги суратларни мустақил журналист Долтон Бэннет олган.

Таржимон Шерзод Заиржанов.

Ушбу нашрнинг ҳар қандай қисми нотижорат ва маориф мақсадида гина рухсатномасиз қайта чоп қилиниши мумкин. ХелпЭйдж Интернэшнл халқаро нодавлат ташкилотини аниқ кўрсатиб, бизга ҳисоботнинг қайта нашр қилинган қисмларининг нухасини ёки унинг интернетдаги манзилени юборишингизни илтимос қиламиз.

Мундарижа

1. Кириш сўз.....	4
2. Қўлланилган методология.....	5
3. Таҳлил.....	6
3.1 Даромад манбаи.....	8
3.2 Тиббий муҳтожлик.....	10
3.3 Эмоционал ҳолат.....	11
3.4 Ахборот олиш имконияти.....	13
3.5 Ҳужжатлар.....	14
3.6 Мактабдаги дарсларга қатнашиш	14
3.7 Респондентларнинг миллатига/жинсига қараб тақсимланиши.....	15
4. Яқунловчи изох.....	15

1. Кириш сўз:

Қирғизистоннинг жанубида, айниқса, унинг Ўш ҳудудида 2010 йилнинг июнь ойида рўй берган маҳаллий тўқнашув бу ерда истиқомат қилиб келаётган деярли ҳар бир инсонга катта таъсир кўрсатди. Фожиали воқеаларнинг натийжасида 300 дан ортиқ киши nobуд бўлди, икки мингдан ортиқ уй жой ёқилиб вайрон қилинди ва минглаган одамлар ўзлари яшаб келган жойлардан бошқа ерларга кўчишга мажбур бўлди¹. Оммавий тартиб қайта тиклангани билан умумий аҳволнинг босқичма-босқич тарзда тартибга солиниш жараёни кузатилди. Бироқ, бу жараён ҳали тўлиқ эмас деган хавотир ва жамиятдаги кўплаб зарур соҳалар эътибор талаб бўлиб ортида қолгандек. Ушбу ҳисоботдан кўзланган асосий мақсад ҳозирги кунда ёши улуг кексайган кишилар дуч келаётган муаммоларни аниқлаш. Маълумки, ёш болалар ва ногиронлар билан бир қаторда, кексайган кишилар ҳар қандай жамиятда учрайдиган энг заиф ва ёрдамга муҳтож кишилар орасида бўлиб, айнан шунинг учун ҳам фожиали воқеалар даврида ва улардан кейинги жараёнларда бу тоифадаги кишиларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш жуда ҳам катта аҳамиятга эга. Афсуски, бўҳрон талофатларини бартараф қилиш бўйича фаолият олиб боровчи кўплаб ташкилотлар бу ҳолатни тан олмайдилар ёки унга жиддий аҳамият беришмайди.

Ўш ҳудудидаги ёши улуг кишиларнинг муаммо ва масалаларини ечишга қаратилган ҳаракатлар доирасида ХелпЭйдж Интернэшнл халқаро нодавлат ташкилоти “Ёши улуг кишиларнинг уларнинг ўзларига хос муҳтожликларини қаноатлантириш, уларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатишни кенгайтириш” деб номланган қисқа муддатли лойиҳани ишлаб чиқди ва ҳозирда бу лойиҳани амалга оширмоқда. Лойиҳанинг мақсадларига эришиш борасидаги илк қадамларнинг бири қилиб лойиҳага киритилган аҳоли дуч келаётган ҳозирги куннинг ялпи ҳолатини ўрганиб чиқиш вазифаси белгиланди. Савол қуйидагича ҳолда берилди: Бугунги Ўш ҳудудидаги заиф ва ёрдамга муҳтож ёши улуг кишилар дуч келаётган ўзига хос муаммолар қайсилар ва уларни қандай ечиш мумкин? Шу мақсадни ёдда тутган ҳолатда, ХелпЭйдж Интернэшнл ташкилоти Марказий Осиёдаги Евросиё Фонди билан ҳамкорликда Ўш ҳудудида кекса ёшдаги кишиларнинг конфликтдан кейинги вазиятдаги ёрдам ва ҳимояга бўлган муҳтожлик табиатини ўрганишни мақсад қилган тадқиқот дастурини ишлаб чиқди.

¹ БМТ, Фавкуллда Ёрдам Мурожати (2010й, июль), 7.

<[http://www.reliefweb.int/rw/RWFiles2010.nsf/FilesByRWDocUnidFilename/VVOS-87MPDL-full_report.pdf/\\$File/full_report.pdf](http://www.reliefweb.int/rw/RWFiles2010.nsf/FilesByRWDocUnidFilename/VVOS-87MPDL-full_report.pdf/$File/full_report.pdf)>

Ўтказилган тадқиқот пировардида батафсил сўровнома шаклида ХелпЭйдж Интернэшнл нодавлат ташкилотининг ҳамкор уюмларидан бири, Луч Лотоса, ногирон кишиларга кўмак кўрсатувчи маҳаллий нодавлат ташкилоти томонидан ўтказилди. Тадқиқот натижаларининг таҳлили қуйида баён этилади.

2. Методология:

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) Қочоқлар иши бўйича Бош Комиссарияти (БМТҚБК) ўзининг 1999 йилда қочоқларга кўрсатган ёрдами тўғрисидаги ҳисоботида шундай дейди “ёши улуғ кишиларга хос бўлган муаммоларнинг очик-ойдин мавжудлигини назарда тутган ҳолда, [бу каби кишилар учун] ҳали тузилмаган бошқа бир қочоқ туркумини киритиш маълум даражада ўзини оқлайди. Аниқроқ қилиб айтганда, ёши улуғ кишиларга кўпроқ қаратилган чора-тадбирларни ташкилотнинг дастурларини режалаштириш ва уларни амалга ошириш жараёнидаги барча жабҳаларга киритиш билан улардан ёшроқ бўлган кишиларга ўз-ўзини таъминлашига ва жамоатдаги ёши улуғ кишиларнинг аҳволини яхшилашга қаратилган ташаббусларга кўмак кўрсатиш бўлиб ҳисобланади.”² Юқоридаги изоҳлар орқали БМТнинг Қочоқлар иши бўйича Бош Комиссарияти кексайган кишиларнинг ёрдамга бўлган муҳтожлик табиатини аниқлади. Маълумки, конфликт рўй берган вақтда барча кекса ёшдаги инсонлар ёрдамга муҳтож; хусусан, баъзи бирлари жуда ўта заиф ва ёрдамга муҳтож. Ёши улуғ кишиларнинг муҳтожлигини қониқтириш эътибордан четда қолган ижтимоий гуруҳнинг турли турдаги талабларига жавоб бера оладиган йўналтирилган ёндашувни талаб қилади.

Шуни назарда тутган ҳолда, дуч келган кекса ёшдаги кишилар билан сўроқ-савол ўтказганнинг ўрнига уларнинг орасида энг заиф ва ёрдамга муҳтож деб ҳисобланган кишиларга сўровнома тарқатиш йўли орқали улар ҳис қилаётган муаммо ва қийинчиликларни аниқлаш мақсад қилиб белгиланди. Қўйилган мақсадга етишиш борасида, ёши ўта улуғ ва ўзидан кичик ёшдаги ёки ўз уй-жойини мажбур равишда тарк қилган ва оила-аъзоларига ва қариндош уруғларига ёрдам кўрсатишда кўшимча қийинчиликларга дуч келаётган кекса ёшдаги кишиларга эътиборни қаратиш бўйича танлов мезонлари ишлаб чиқилди.

² БМТнинг Қочоқлар иши бўйича Бош Комиссарияти, *Баҳолаш Ҳисоботи: кекса ёшдаги кишиларга ёрдам*. (Женева, 1999й.) <<http://www.unhcr.org/cgi-bin/texis/vtx/search?page=search&docid=3ae6bd450&query=assistance%20to%20older%20refugees>>

Сўровнома жами 562 кишига тарқатилган бўлиб, уларни сўровномага жалб этишнинг мезонлари қуйидагича бўлди:

- 1.) Респондентлар Ўш шаҳридаги июнь фожиалардан бевосита жабр тортган йирикрок қисмларининг бирида: Черемушки, Фуркат ва Шайтепа худудининг ўзида ҳамда яқин жойлашган Ўзғур, Тулейкен, Кенеш, Жапалак ва Шарқ ноҳияларида (шаҳар четларида) доимий истиқомат қилган бўлиши шарт.
- 2.) Респондентлар ўз оила ва рўзғорларининг бошлиқлари бўлиши шарт;
- 3.) Респондентларнинг ёши етмишдан юқори ёки эллик бешдан ошган бўлиши ва ўз уйларида ўзи яшаб турган жойини мажбуран тарк қилган кишиларга вақтинча бошпана бераётган ёки ўз набираларига уларнинг ота-оналари ҳозирда бошқа ерда яшаётганлиги (ишчи мигрант бўлганлиги) сабабли ғамхўрлик қилаётган бўлишлари шарт;
- 4.) Тадқиқотни ўтказувчилардан унга қатнашаётган респондентларнинг 50 фоизини ўзбек миллатидаги кишилар ташкил этишлиги талаб этилди.

3. Таҳлил:

Фожиали июнь воқеаларидан бевосита жабр тортганларнинг, айниқса, Ўшдаги аҳолининг бу каби кечирган қийинчиликлардан сўнг қайта оёққа туриб кетиши турлича омилларга, шу жумладан соғлиқ-саломатлигига, дуч келаётган иқтисодий қийинчиликларга ва ижтимоий жиҳатдан ажратилишига ва бошқа қатор сабабларга боғлиқ. Ёшининг улуғлиги сабабли кексайган кишилар юқорида белгиланган барча уч омилнинг таъсири олдида аксар заиф эканлигива тадқиқот орқали тўпланган маълумотнинг таҳлили бу кўринишнинг ҳозирда Ўшда мавжуд эканлигини кўрсатди.

Айтсак, респондентларнинг 37 фоизи уларнинг ҳеч қандай маблағи йўқ эканлигини билдиришган. Ушбу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, Ўшдаги аҳолининг, айниқса, кекса ёшдаги кишиларнинг жуда ҳам заиф ва ёрдамга муҳтож эканлиги тўлиқ намоён бўлади; энг қизиғи шундаки, ўрта даромаднинг июнь воқеалари сабабли бир неча бор камайганлиги ҳам эътироф этилган. Бу натижа қуйида келтирилган аҳолининг беш турдаги харид қилиш қуввати даражаси бўйича респондентларнинг воқеалардан аввалги ва кейинги даромадларини солиштириш борасидаги берган маълумотлари асосида аниқланди (1-сурат). Аслида,

респондентларнинг 30 фоиздан ортиғи уларнинг харид қилиш қувватида рўй берган ўзгаришларни белгилашиб, бу ўзгариш натижада уларнинг озиқ-овқат ва кийим-кечак сотиб олишга бўлган имкониятларини йўққа чиқариб, бу гуруҳдаги кишиларнинг сонини хайрон қоларли 71 фоизга етказган (2-сурат).



2-сурат	Июндан олдин	Июндан кейин
Медиана	3	2
Ҳолат	3	2
Фақат озиқ-овқат ва кийим-кечак сотиб олишга қурби етган аҳоли фоизи	39.7	71.2

3.1 Даромад:

Иқтисодий қийинчиликлар масаласига келсак, аҳоли ўз даромадидан ажралган аниқ бир соҳанинг кенгроқ таҳлили кўпроқ маълумотни таклиф этади. Қуйида эътиборга лойиқ статистика келтирилади (3-сурат):

1.) Воқеаларгача бўлган вақт мобайнида давлат грантларини олиб келган кишиларнинг 10 фоиздан кўпи ҳозирда ҳеч қандай ёрдам олмаётганлигини билдирган. Сўз нафақахўрларнинг кичик бир қисми ҳақида кетаётганини эсга олсак, бу кўрсаткич етарли даражада юкори.

2.) Яқин оила-аъзоларининг кўмагини ўз даромад манбаи сифатида кўрсатган 176 кишининг ярми ҳозирда бу каби даромад манбаидан ажралиб қолганини белгилашган.

3.) Савдо-сотиқни ўз даромад манбаи деб кўрсатган респондентларнинг 73 фоизи (40 кишининг 29) ҳозирда ҳеч қандай тадбиркорлик иши билан шуғулланмай қолганилини билдиришган.

4.) Июнь воқеаларигача ойлик маош олиб ишлаган кишиларнинг 68 фоизи (31 кишининг 21) ўз ишидан ажралганлигини айтишган.

Юқорида кўрсатилган соҳаларда кузатилган даромад манбаидан кескин турда ажралиш даромаднинг табиятига қараб турлича сабаблар билан боғлиқ. Бу бўйича келтирилган сабабларнинг намуналари қуйидагича: аввалги иш берувчи тадбиркорлар Ўшдаги ишларини ёпишди, оилага тегишли бизнес жойлашган бино вайрон қилинган ва керакли қишлоқ хўжалик ашё (ўғитлар) ўғирлаб кетилган. Албатта, ҳисоботнинг мақсади ҳар бир кишининг унгагина хос бўлган муаммосини ечиш эмас; тадқиқотдан ва ҳисоботдан яққол кўриниб турган нарса бу шу йилнинг июнь ойида бўлиб ўтган воқеалар аҳоли даромадига ва Ўшдаги олдинги иқтисодий фаол

кекса ёшдаги кишиларнинг мустақил тирикчилигига катта таъсир кўрсатган. Бир вақтнинг ўзида, бевосита ёки билвосита, воқеалар Ўшдаги ёши улуг кишиларнинг улар давлатдан ва ўз оилаларидан олиб юрган ёрдам ва кўмак кўламига зарарли даражада таъсир ўтказган. Иқтисодий заиф ва муҳтож аҳоли билан бирга Ўшдаги ёши улуг кишилар ҳозирги кунда қийин молиявий ҳолатни бошдан кечиришмоқда.



Юқорида келтирилганидек, июнь фожиалари аҳолининг ўз-ўзи таъминлаш қурбига катта таъсир ўтказганлигини кўрсатгани билан, бир савол жавобсиз қолмоқда: бу ҳолат ёши улуг эркак ва аёл кишиларнинг уларга хос бўлган муаммолар мавжуд бўлган муҳитда нимани англатади ва бу каби масалаларни қандай ечиш мумкин? Бу саволга жавоб беришдан олдин, баъзи бир масалаларга баҳо бериш лозим.

Ижтимоий ҳимояга оид зарурият бўйича, респондентлар қуйидагиларни сотиб олиш имкониятининг етишмаслиги ёки унинг тамоман йўқлигини билдиришган: озиқ-овқат (46 фоиз), гигиена маҳсулотлари (40 фоиз), дори-дармонлар (35 фоиз) ва тиббий ёрдам (25 фоиз). Кўрсаткичларнинг барчасида, асосан икки ўз-ўзидан маълум бўлган омил, яъни маблағнинг етишмаслиги ва/ёки керакли маҳсулотнинг яхлит тортишлиги деб билдирилган. Берилган маълумотдан истисно нарса бу респондентларнинг қўлида нақ маблағнинг етишмаслигидир, сабаби уларнинг ўртача нақ пул олишга бўлган имконияти сезиларли даражада камайган ва

аксинча, нақ пул олиш имконияти борлари эса уларга зарур бўлган нарсаларни маҳаллий бозорлардан топа олмаётганидир. Бу ашёларнинг киши саломатлиги ва хавфсизлигига зарурлигини назарда тутган ҳолда бу каби масалаларни ечишнинг муҳимлиги янада аниқлашади.

3.2 Тиббий муҳтожлик:

Тиббий шароитлар дунёдаги кекса ёшдаги кишилардаги муҳтожликнинг асосий сабабларидан бири бўлиб, бу муҳтожлик аслида кўп ҳолатларда сиёсий ёки табиий бўҳронлар туфайли кучаяди. Шу сабабли, даволанишга муҳтож бўлганларга имконият яратиш кекса ёшдаги кишиларни фавқулодда ҳолатларда ва ундан кейинги даврда ҳимоя қилиш бўйича фаолият юритаётган ташкилот ва уюмлар учун долзарб вазифа қилиб белгиланиши шарт. Қолверса, тадқиқот натижалари ҳам бу масалани зудлик билан ечиш зарурлигини кўрсатди. Юқорида таъкидлангандек, респондентларнинг 25 фоизи тиббий хизматга бўлган имкониятнинг етишмаслигини ва 35 фоизи эса тиббий дори-дармонларларнинг етишсизлигини билдиришган. Бу ҳолат Ўшдаги заиф ва ёрдамга муҳтож ёши улуғ кишиларнинг тиббий хизматга ва тиббий дори-дармонлардан фойдаланишга бўлган имкониятини яхшилаш зарурлигини маълум қилади. Тиббий хизмат ва тиббий дори-дармонларга бўлган имкониятнинг чегараланганлиги асосан маблағнинг етишмаслиги билан боғлиқ ва бу кўриниш ажабланарли эмас. Қирғизистонда бошқа ривожланаётган давлатлардаги каби эндемик қашшоқлик туфайли бир қатор тиббий хизмат турлари ва дори-дармонлар ҳаттоки ўрта ҳол фуқаро учун ҳам қимматга тушади. Бинобарин, ҳозирги етишмовчилик, нестабиллик ва қўрқув ҳолатида заиф ва муҳтож кишиларни уларга ўта зарур бўлган тиббий ёрдамсиз қолдириш уларни тирикчилик ҳаётнинг қийин ҳолатларидан бирига тушиб қолишларига сабаб бўлиш хавфи бор.

Ўшдаги кекса ёшдаги кишиларнинг тиббий талаблари ҳақида сўзлаётиб, асосий эътибор конфликт рўй берган зоналардаги доимий одатий бўлган хасталикларга эмас, балки июнь воқеаларининг ва уларнинг оқибатлари сурункали касалликлар билан оғриган кишиларга тўғридан-тўғри ўтказган таъсирини таъкидлаш лозим. Заиф кишилар соғлигининг кучли ёмонлашувига икки сабаб - тиббий муҳтожликлар ва тўйимли озиқ-овқатга бўлган талаб бунга яққол мисол бўла олади.

Респондентлардан қайси ҳолатлар туфайли уларнинг саломатлиги ёмонлашгани ва қандай дори-дармон талаб қилинганлиги ҳақида сўралганда, кон босими айрим касалликлар билан бир қаторда энг кўп қайд этилганлиги маълум бўлди. Тинч ва осойишта ҳаёт даврида ҳам бу каби дори-дармонлар нархининг ўзигина дунёдаги ночор оилалар захирасига анча путур етказса,

нотинч, бўҳрон пайтда эса бундай кишилар учун дори дармонсиз юриб сабр қилишидан ўзга чора қолмайди. Бундан ташқари, стресс билан кун кечиришлик ҳолати конфликтдан сўнги муҳитда кўплаб тиббий шароитларнинг ёмонлашишига олиб келиши ва кишиларнинг заифлик ҳолатини ва уларнинг дори-дармонга бўлган талабларини кучайтириши мумкин. Таъкидлаш лозимки, кўпинча аҳамиятдан четда қоладиган муаммо мавжуд бўлиб, у тиббий хизматга бўлган чегараланган имкониятнинг сурункали хасталикларга бўлган таъсири бир ёки уч ойдан кейин ҳам сезилмаслигидадир. Бугунги кунда Ўш аҳолисининг маблағи жуда ҳам чегараланган, стресс даражаси чиндан ҳам юқори; тадқиқот натижалари кўрсатганидек, муҳтож аҳоли ўз тиббий заруриятларининг уйдасидан ўзлари чиқиш учун курашмоқда.

Ночор парҳез ва овқатланиш қариган чоғда кенг кўламда тўсатдан рўй берадиган юрак хасталиклари, гипертония (қон босимининг ошиб кетиши), остеопороз (суяқларнинг бўшашиши), сурункали ва саратон касалликларнинг турли хиллари билан тўғридан тўғри боғлиқ. Бу нарса эса, ўз навбатида, фавқулудда ёрдам кўрсатувчи уюм ва ташкилотларнинг кўпчилигининг эътиборидан четда қолиб кетди.³ Юқорида белгиллаганимиздек, тадқиқотга қатнашган респондентларнинг 46 фоизи қисман ёки тамоман озиқ-овқат харид қилиш имкониятига эга эмасликларини баён қилишган. Шубҳасиз, озиқ-овқат муаммоси бу кишиларнинг парҳези ва шу боисдан уларнинг соғлиғига сезиларли таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, минтақавий кўринишга хос бўлган ишчи ёши билан боғлиқ сабаб туфайли аҳоли иш излаб бошқа ерларга кўчиб кетмоқда, Ўшдаги кўпчилик ёши улуг кишилар уларнинг қарамоғига фарзандлари топшириб кетган ёш болалар билан қолишган ва бу кишиларнинг озиқ-овқат сотиб олиш имконияти уларнинг набираларининг, қолаверса, уларнинг ўзларининг ҳам овқатланишига албатта таъсир кўрсатади.


3.3 Эмоционал ҳолат:

Турмуш тирикчилик учун энг зарур бўлган нарсалардан ва саломатликдан ташқари, Ўшдаги кекса ёшдаги кишиларнинг эмоционал ҳолатини ҳам ёдда тутиш лозим. Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг 2003 йилги кексайиш ва саломатлик тўғрисидаги ҳисоботида жумладан шундай дейилади “саломатлик касалликнинг ёки хасталикнинг йўқлиги билан гина эмас, балки кишининг ҳаётдаги қийинчиликларга бардош бериши ва ўзининг жисмоний, ақлий ва

³ Дэвид Хаттон, *Кекса Ёшдаги Кишиларга Фавқулудда Ҳолатларда ёрдам кўрсатиш борасида Ҳаракат ва Низом Ишлаб Чиқиш тўғрисида, Франция, Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти, 2008й*),⁸

ижтимоий соғлигини таъминлаши билан аниқланади.”⁴ Ҳаракатчанликнинг етишмаслиги, нимжонлик ва яккалик кексайган кишиларни хусусан руҳий-психиологик ҳолатлар олдида заифлашишга мажбур қилади. Шу билан бирга, кўрқув, умидсизлик ва конфликтдан сўнги муҳитда ўз ўзини гина ҳимоя қилаётган ижтимоий тузилмалар жабр тортган кишиларнинг эмоционал яккаланишининг бошқара олиш мумкин бўлган даражасидан улар учун жиддий бўлган масалага айланиши мумкин. Респондентлардан июнь воқеаларидан бери яккаланишнинг ва/ёки депрессиянинг янги симптомлари пайдо бўлган ёки бўлмаганлиги ҳақида сўралганда, тадқиқот иштирокчиларидан етарлича жавоб олинди. Чамалаб айтганда, респондентларнинг 50 фоизи уларда кўрқув ҳисси ривожланиб бораётганини ва шу каби ҳолат уларнинг уйқусида ҳам кузатилаётганини маълум қилишган. Шу пайтнинг ўзида, респондентларнинг 20 фоизга яқини иштаҳадаги ўзгаришларни айтишса, яна шунча фоиз иштирокчи ўзларининг хулқ-атворидаги ўзгаришлар ва умидсизлик ҳислари ҳақида баён қилишган. (4-сурат). Бу каби статистиканинг моҳиятига назар сола туриб, бу эмоционал босимнинг жабр тортганларга ўтказадиган келажакдаги таъсирини эсга олиш лозим. Узоқ муддатли депрессия, ўз узига қилинаётган яккаланишнинг кучайиши ва тушиб бораётган ўзлик ғурур, ҳаммаси эҳтимол тутилган маҳсулот, бу эса келажак учун яхши хабар эмас.

⁴ Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг Ғарбий Тинч Океани Минтақасидаги идораси, *Кексайиш ва Саломатлик тўғрисида: Ривожланаётган Мамлакатларда Саломатлик Тарғиботи*, (Манила, Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти, 2003 й.)



3.4 Ахборот олиш имконияти:

Навбатдаги масала яккаланиш билан боғлиқ бўлиб, у ахборот ва маълумот олиш имкониятидир. Мавжуд бўлган хизматлар тўғрисидаги маълумотни олиш учун бўлган имконият бор ёки йўқлиги сўралганда, тадқиқот иштирокчиларининг 84 фоизи бир овоздан йўқ деб жавоб беришган. Бу борадаги икки кенг тарқалган сабаб, яъни улар берилаётган маълумотни тушуна олмаётганликларини ва шу билан бирга уларнинг ҳолидан ҳеч ким хабар олмаётганлигини билдиришган. Чамаси, улар ўртасидаги маълумот етишмовчилигининг асосий сабаби яккаланишдир. Бу кўриниш респондентлар июнь векеаларигача томоша қилиб келган ойнаи жаҳон, яъни телестанциялар сонидаги ўзгаришлар тўғрисида ва уларнинг жамоат тадбирларида қанчалик даражада иштирок этишаётганликлари ҳақида сўралганда, яна такрор аён бўлди. Ойнаи жаҳон томошасига тўхталсак, сўралганларнинг 35 фоизи ойнаи жаҳонни июнь ойдан кейин ундан олдингига нисбатан кўпроқ кўра бошлашганини айтишган. Жамила Матураимова, Ўш шаҳрида истиқомат қилувчи 90 ёшли кекса аёлнинг айтишича, бу кўриниш унинг ташқарига чиқишдан қўрққанлиги ва бошқа ҳеч қандай чикмасдан доимо уйда ўтириши натижасида ва шаҳарда қандай ходисалар бўй бераётганини билиш истаги ва шу орқали ўз кўркувини босишга

бўлган ҳаракат туфайли кўпроқ телевизор кўраётганини маълум қилган. Жамоат тадбирларида иштирок этиш борасида, сўралганларнинг 30 фоизи маросимларга камроқ қатнашаётганлигини билдирган бўлса, уларнинг 24 фоизи эса олдингига нисбатан кўпроқ тадбирларда иштирок этишаётганлигини маълум қилишган. Бу икки фикрнинг қарама қаршилиги ва Матураимова хонимнинг айтишича, аҳолининг шаҳарда нималар бўлаётганини сўраб билиш истаги жуда баланд, лекин шу билан бирга улар ўз уйларида ташқарига чиқиб маълумот олишда ўз хавфсизлигидан хавотир олишади. Хавф-хатардан ҳоли бўлган жамоат тадбирларига қатнашишни тарғиб қилиш ва улар тўғрисида аҳолига маълумот тарқатиш бу тоифадаги заиф ва муҳтож кишиларни қайта жамоат ҳаётида иштирок этишга рағбатлантириши ва уларнинг жамоат билан ҳамнафас бўлган ҳолда ахборот ва маълумотга олиш имкониятини яхшилаши мумкин.

3.5 Хужжатлар:

“Ёши улуғ кишиларнинг уларга хос бўлган муҳтожликларини камайтириш ва уларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатишни кенгайтириш” лойиҳасининг асосий ташаббусларидан бири жабрланган аҳолининг ижтимоий ҳимоя механизмларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши учун уларни керакли ҳужжатлар билан таъминлаш эди. Тадқиқ қилинган гуруҳ ичида бу масала статистик жиҳатдан аҳамиятга эга эмас деб эътироф этилди. Бинобарин, бизнинг тадқиқот хусусан уй жойи ёниб вайрон бўлган кишиларни алоҳида қамрамаганлиги сабабли бу борада ҳеч қандай қутилмаган натижа олингани йўқ. Бундан ташқари, ижтимоий хизматдан фойдаланиш имкониятининг заиф ва муҳтож кишиларнинг ҳаётига бевосита таъсирини назарда тутган ҳолда, бу каби имкониятдан фойдаланиш учун уларни зарур бўлган ҳужжатлар билан таъминлаш муҳокама талаб қилмас масала.

3.6 Мактабдаги дарсларга қатнашиш:

Яқинда, Ўш ҳудудида истиқомат қилувчи ота-оналар ўз фарзандларини хавфсизлик мулоҳазаларидан келиб чиққан ҳолда сентябрь ойида қайтадан иш бошлаган махсус ўрта билим мактабларига юбормасликка ҳақида тарқалган маълумот юзасидан хавотир билдирилган эди. Сўровномада иштирок этган фарзандлари мактаб ёшидаги ота-оналарнинг 2 фоиздан камроғи ўз болаларини мактабга юбормасликларини билдиришган. Шубҳасиз, бу кўрсаткич аввалроқ хабар қилинган хавотирга солиштира даражада унчалик юқори эмас ва аҳволнинг барқарорлашиб бориши билан қолган ўқувчилар ҳам мактабга қайтишади деб умид қиламиз.

3.7 Миллатига/Жинсига қараб тақсимланиш:

Июнь ойидаги тўқнашувнинг марказида минтақанинг икки йирик миллатига мансуб гуруҳнинг - қирғиз ва ўзбек мансуб кишилар ўртасида фарқ ажратилди. Шу боис, ўзбек ва қирғиз миллатига мансуб кекса ёшдаги муҳтож кишиларнинг ҳозирги аҳволини таққослаш зарур деб топилди. Тадқиқот натижаларига кўра, конфликтдан сўнги муҳитда миллатларнинг ўртасидаги фарқ сезиларли даражада катта эмаслиги аниқланди.

Маълум қилинган яқкаланиш ва депрессия симптомлари, қўрқув ва хавотир билан бирга ҳисоблаганда, қирғиз ва ўзбек миллатига мансуб кишиларнинг ўртасида озиқ-овқат ва тиббий хизматдан фойдаланиш имконияти озми-кўпми тенг эканлиги маълум бўлди. Лекин, даромад борасида аҳволни бир хил деб бўлмайди. Юқорида айтилганидек, тадқиқот гуруҳининг ўртасида респондентларнинг 37 фоизи пул ишлаш имконияти йўқлигини белгилашган. Бироқ, бу натижа сўралганларнинг миллатига қараб бўлиштирилганда, қирғиз миллатига мансуб кишиларнинг фақатгина 20 фоизи пул масаласидан шикоят қилган бўлса, бу кўрсаткич ўзбек миллатига мансуб респондентларнинг жами бўлиб 55 фоизини ташкил қилди. Тиббий дори-дармонларни сотиб олиш имкониятига тўхталсак, бу даромад қисми билан боғлиқ бўлганлиги сабабли олинган натижалар ажабланарлиқсиз равишда, юқорида берилганидек, 23 фоизи қирғиз миллатига мансуб ва 53 фоизи эса ўзбек миллатига мансуб кишилар дори-дармон олишда молиявий қийинчиликларга дуч келишганлигидан шикоят қилишган.

Жинс борасида эса кўп маълумот тўплангани йўқ. Айтилган муаммоларнинг иккала гуруҳ ўртасида озми-кўп тенг учраши кузатилади. Биргина мустасно мавжуд бўлиб, аёл кишилар маълум бир даражада оммадан ажралганлик ва депрессия белгиларидан эркакларга қараганда кўпроқ шикоят қилишган. Демак, орадаги фарқ катта эмас ва ўз-ўзидан кўриниб тургандек улар кўпроқ қийинчиликни бошидан кечиришаётгани, тенг даражада ўзларининг қалбида кечаётган ҳолатни очиқчасига тан олишга хусусан “Йиғладингизми?” деган саволга ҳам жавоб беришга тайёр эканликларини намоён қилди.

4. Яқунловчи изоҳ:

Ўтказилган тадқиқотнинг натижалари шуни кўрсатдики, Ўш ҳудудидаги кўплаб кекса ёшдаги кишилар ҳозирги кунда кучли бир ёвуз айлананинг қопқонига тушиб қолишгандай. Июнь ойида бўлиб ўтган воқеаларнинг бевосита иқтисодий таъсири қўрқув ва ўз-ўзидан пайдо бўлган яқкаланиш кўплаб кишиларнинг даромад манбаидаги катта йўқотишларга ва ўртадаги ижтимоий

ришталарнинг узилишига сабаб бўлди. Шу навбатда, даромаднинг ва ижтимоий кўмакнинг бу тарзда йўқолиши уларнинг аллақачон ночор бўлган ресурсларига оғир босим ўтказди ва натижада уларнинг зарурий озиқ-овқат, дори-дармон ва хўжалик молларини сотиб олиш имкониятини жиддий тарзда чегаралаб қўйди. Озиқ-овқатнинг етишмаслиги ночор овқатланишга олиб келиши мумкин ва бу нарса керакли дори-дармоннинг етишмаслиги билан қаторда кишиларнинг саломатлигига, айниқса, тобора яқинлашиб келаётган киш давомида жиддий зиён етказди. Ўз навбатида, ёрдамга муҳтож заиф кишиларнинг ўз соғлиқ-саломатликларини асрашга бўлган қуввати уларнинг ўз муомала тармоқларини қайта тиклашдаги ва ўз ўзини таъминлашдаги саъй ҳаракатларига таъсир кўрсатиш эҳтимоли бор.⁵

Ҳар қандай прогрессдан олдин, кекса ёшдаги кишиларнинг, айниқса, уларнинг орасидаги энг заиф ва ёрдамга муҳтожларининг аҳволи Ўш ҳудудида ҳозирги ҳолатни яхшилаш борасида фаолият кўрсатаётган барча ташкилотлар томонидан тан олинishi лозим. Тан олингандан сўнг бу тоифадаги кишиларнинг баъзи бир кечиктириб бўлмас масалаларини ечиш учун керакли чора тadbирларни амалга ошириш билан олдинга қадам ташлаш мумкин. Биринчи галда тан олинishi лозим бўлган нарса муҳтож кишиларнинг асосий муаммолари бир бири билан ўзаро боғлиқ эканлигидир. Кўзга яққол ташланadиган муаммо иқтисод масаласи бўлиб, ҳаттоки энг оддий енгилликлар ҳам аҳолининг озиқ-овқат, кийим-кечак, тиббий хизмат ёки дори-дармонлардан фойдаланиш имконияти улар ҳозирда дуч келаётган иқтисодий босимни енгиллаштиради, яқин келажакдаги имкониятларини кенгайтиради ва уларга бўлган эътиборни қайта тикланишига сабаб бўлади.

Ҳозирги кунда бу кишилар дуч келаётган қийинчиликларнинг қоқ марказида даромаднинг етишсизлиги масаласи турибди. Июнь ойидаги уй-жойларнинг вайрон бўлиши ва фожиали фоқеаларнинг комбинациясидан ҳосил бўлган бир бирига бўлган ишончсизлик муҳити Ўш ҳудудидаги иқтисодий фаолиятнинг деярли тўхташига сабаб бўлди ва унинг илгариги ҳолатига яқинроқ бўлса да келиши учун бир мунча вақт талаб этилади. Бир томондан, бу кўриниш бугунги Ўшдаги оддий ҳаётий ҳақиқат, ва шу сабабдан ҳам иқтисодий қайта тикланиш жараёни аста секинлик билан кечиши кутилади. Бошқа томондан олганда, қайта қуриш ва тикланиш, айниқса, кексайиб қолган кишиларга қаратилган ва уларни саросимага туширувчи лойиҳалар аксарият ўз ўзини бундан олдин таъминлашга қодир бўлган ёши улуг кишиларнинг катта ёрдамсиз бурунги қудратни ўзларида қайтадан тиклай олиши амри маҳол.

⁵ Хаттон, *Кекса Ёшдаги Кишилар Фавқулодда Ҳолатларда*, 4.

Яқин келажакда, иқтисодий қайта тикланишдаги катта муаммони ечишнинг ўзи эришиб бўлмайдиган вазифадек туюлади. Бинобарин, Ўш ҳудудидаги қари ёшдаги эркак ва аёлларнинг ўта чегараланган ресурсларининг танг аҳволини энгиллаштириш бажариш мумкин бўлган ишлардан биридир. Кириб келаётган қишга қарата жисмоний ва эмоционал саломатлик, ишончли ва ҳамён кўтаргулик озиқ-овқат молларининг қишга тайёргарлик кўришда етарли бўлиши ва сурункали хасталиги бор кишиларга дори-дармондан кенгайтирилган тарзда фойдаланиш имкониятини яратиш, айниқса, қон босими ошиб кетиши ва бундай стрессни тўла шароитда олдиндан билиш мушкул бўлган юрак хасталиклари учун приоритет ҳаракат режалари тузилиши лозимлиги шубҳасиз. Бу ёрдамсиз кўплаб кекса ёшдаги мумкинчилиги аллақачон чегараланган заиф ва муҳтож кишилар келаётган қишнинг қирчиллама совуғига бардош бера олмаслиги мумкин. Бундан ташқари, маҳаллий кекса ёшдаги кишилар психолог каби соғлиқни сақлаш ходимларининг хизматидан фойдаланиш имконини берадиган ва яна улар учун қандай бошқа хизмат турлари мавжуд эканлигидан хабар берувчи “дўстона муҳитлар”ни анъанавий ҳукуматдан ва диний тузилмалардан ташқари ҳолда ривожлантиришни илтимос қилишди.

Ўтказилган тадқиқот ва унинг натийжалари тўғрисидаги ушбу ҳисоботнинг мақсади бугунги кунда Ўш ҳудудидаги ёши улуғ ёрдамга муҳтож кишиларга хос бўлган муаммоларнинг табиатини ўрганиш билан уларга ёрдам кўрсатиш ишидаги ХелпЭйдж Интернэшнл ташкилотининг фавқулодда ҳолатлар бўйича гуруҳи ва шунинг билан бирга ҳудудда фаолият юритаётган бошқа халқаро ташкилотларнинг саъй ҳаракатларини жонлантириш мақсад қилиб белгиланди. Ўтказилган тадқиқот натийжалари кўплаган муаммоларнинг, эмоционал, ижтимоий ва таъминот ҳолатига оид масалаларнинг мавжудлигини кўрсатди. Аслида, Ўш ҳудудида истикомат қилаётган ёши улуғ кишилар дуч келаётган энг асосийси муаммо бу уларнинг ҳозирги иқтисодий аҳволи. Тадқиқотга кўра, аҳоли бошдан кечираётган иқтисодий қийинчиликлар етарли даражада кўп ва бу ҳолат энг заиф ва ёрдамга ўта муҳтож кишиларнинг анчагина катта қисмига уларнинг ўз ўзи ва оила аъзоларини озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлаш имкониятига терс таъсир кўрсатади. Тадқиқот доирасида маълум қилинган муаммо ва масалаларнинг кўлами анча кенг; бу эса ўз навбатида келажакка бўлган прогноз ва энг асосий масала ҳам шунда. Олдинда қиш ҳам яқинлашиб келмоқда ва тадқиқотдан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ҳудуддаги заиф ва ёрдамга муҳтож аҳолининг кўпчилиқ қисми қишнинг қирчиллама совуғига ҳеч қандай бир бошпанасиз, етарли кийим-кечаксиз ёки тиббий дори дармонсиз ва, энг аянчлиси, ҳеч қандай маблағсиз қуруқ чўнтак, егулик ҳеч вақоси йўқ бўм-бўш шкаф ва ошқозон билан дуч келишидир.

Ўш ҳудудига узоқ муддатли тинчликни қайта олиб келиш учун бу ерда қайта тикланиш ва қайта қуриш ишлари зарур бўлади, лекин ҳозирги шароитда заиф ва ёрдамга муҳтож кишиларни ёдда тутиб уларнинг ана шу тинчликка етишишишлигини таъминлаб бериш зарур. Ушбу ҳисоботда келтирилган маълумот ва натижаларни Ўш ҳудудида яқин келажакда ёрдам дастурларини лойиҳалаштираётган ҳар бир уюм ёки ташкилотларга назарда тутишини қатъий равишда тавсия этамиз ва заиф ва муҳтож кишиларнинг дуч келаётган қийинчиликларини ечишда бирор бир чора топилишига умид қиламиз.



ХелпЭйдж Интернэшнл ёши улуг кишиларга муносиб равишда, хавф хатардан ҳоли, актив ва соғлом ҳаёт кечириши учун уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишда, уларни камситишга қарши чиқиш ва камбағалликдан қутулишда кўмак кўрсатади.

Миннатдорчилик

Ушбу тадқиқотни ўтказишда кўрсатган ёрдами ва ҳамкорлиги учун Марказий Осиёдаги Евросиё Фондига ва Ўшдаги Луч Лотоса нодавлат ташкилотига ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

Ушбу ҳисобот БМТнинг Қочоқлар иши бўйича Бош Комиссариятининг маблағи эвазига амалга оширилган “Ёши улуг кишиларга хос бўлган муҳтожликларни камайтириш ва уларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатишни кенгайтириш” лойиҳаси доирасида чоп этилди.

ХелпЭйдж Интернэшнл ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиёдаги Ваколатхонаси томонидан чоп қилинди.

Тел: +996 (0312) 66 46 36

kyrgyzstan@helppageinternational.org

Қирғизистон Республикаси, 720040 Бишкек шаҳри,
Абдрахманов кўчаси 204, 4-қават

www.helppage.org

Барча авторлик ҳуқуқлари ҳимояланган © 2010 ХелпЭйдж Интернэшнл

Қайд қилинган хайрия раками: 288180